16. Ён томон билан мокисимон юриш. Спорт майдонининг югуриш йўлакчасида амалга оширилади. 10 метрли масофага 3 марта ён томонлама мокисимон юрини белгиланади. Ён томонлама мокисимон юриш “старт” чизигидан юқори стартдан боштаниб, 10 метрли чизикқача юрилади, “старт” чизигига юриш давом эттирилали, қайта бурилган ҳолда 10 метрли чизикқача юрилади ҳамда орқага бурилиб “финиш” чизигигача юриб тутатилади. Иштирокчиларга старт юрини йўлакчasi сонига қараб ва ҳакамларнинг алоҳида вактини белгилаган ҳолда берилади.

17. Гимнастика ўринидиги бўйлаб юриш. Гимнастика ўринидигининг ўтирадиган қисми полга ётқизилиб, ингичка қисми юқорига қаратилади ва мувозанатни саклаб юриш машқлари бажарилади.

18. Скандинавча юриш – 500 м. Иштирокчилар иккала қўлда қўлтиқтаёқ ёрдамида 500 метр узокликка скандинавча юриб боришлари лозим. Маррага биринчи бўлиб стиб келган иштирокчи голиб ҳисобланади. Скандинавча юришда вакт ҳисобга олинмайди.

19. Гимнастика ўриндигига таяниб қўлларни букиб-ёзиш. Қўлларни букиш ва ёзиш – иштирокчилар қўлларга таяниб ётган ҳолда дастлабки ҳолатини эгаллайдилар, ишора берилиши билан иштирокчилар қўлларини букиб, сўнг қўлларини ёзадилар. Иштирокчиларнинг машқини бажаришда қўлларни букиб ёзишсаноги олиб борилади.

20. Полга таянган ҳолда қўлларни букиб ёзиш. Иштирокчилар полга таянган ҳолда қўлларни букиб ёзишда қўлларга таяниб, бошни тўғри тутиб, ётган ҳолда дастлабки ҳолатини эгаллайдилар, ишора берилиши билан иштирокчилар қўлларини букиб, сўнг қўлларини ёзадилар. Иштирокчиларнинг машқини бажаришида қўлларни букиб ёзишсаноги олиб борилади.

21. Гимнастика ўриндигидан оёқ тиззаларини буқмай олдинга эгилиш (оёқ остидан пастга хисобланади). Иштирокчилар гимнастика ўриндигига чиқиб, олдинга эгилишлари лозим. Бунда оёқ остидан пастга туширилган қўллар узунлиги сантиметр бўйича хисобланади.

22. Олдинга эгилиш. Асосан қариялар учун мўлжалланган бўлиб, бош ва қўллар куйига эгилади. Бунда вакт хисобланмайди. Саноқ бўйича кўп марта олдинга эгилган иштирокчи ғолиб хисобланади.

23. Куракда ётган ҳолда оёқларни жуфтлаштириб юкорига кўтариш. Ушбу машқ сувклар ва мушаклар ҳаракатланишининг яхшиланишига ёрдам беради. Бунда иштирокчилар ерга кураги билан ётган ҳолда оёқларни жуфтлаштириб, юкорига 90° га кўтариб, туширишлари лозим. Саноқ бўйича кўп марта оёқларни юкорига кўтариб туширган иштирокчи ғолиб хисобланади.

24. Йикилишда ўзини ҳимоя қилиш (ёнга, олдига, орқага). Икки иштирокчи бир-бирини йикитади. Бунда йикилган иштирокчи ўзини ёнга, олдинга ва орқага йикилаётган вактида лат ейишдан ҳимояланади. Ушбу машқ очколар бўйича баҳоланади.

25. Дартс. Бу ўйин мўлжални аниқ олиш учун фойдали хисобланади. Иштирокчиларнинг ёшига қараб дартс тахтасининг масофаси белгиланади. Дартсда 6 та имконият берилади. Кўп очко тўплаган интирокчи ғолиб хисобланади.

26. 45 кг.лик қўғирчоқни қўли ва белидан ушлаб бўксадан ошириб йикитиши (ўнг ва чап томонларга). Иштирокчиларнинг куч ва эпчиллик сифатларини ривожлантиришда ушбу машқ фойдали хисобланади.

27. 16 кг. спорт анжомини (гира) бир қўлда юкорига кўтариб тушириш. Бу куч сифатларини ривожлантиришга ёрдам берувчи меъёрий машқ хисобланади. Иштирокчи спорт анжомини ўнг ва чап қўлларида юкорига кўтариб тушириши сонига қараб, очколар хисобланади.

28. Турникда тортилиш. Бу куч сифатларини ривожлантиришга ёрдам берувчи меъёрий машқдир. Баланд турникда юкоридан ушлаб, тўғри қўлларга осилиб турган ҳолатда (оёқлар ерга тегмайди) бажарилади. Қўллар орқали тортилиш ияқ (энгак) турникнинг грифини кесиб ўтишига қадар бажарилади,

5 сониядан ортиқ тұхташга ҳамда тортилиш пайтида силкиниш харакатларига рухсат берилмайды (10,15 марта ва ҳоказо).

Турникда бир вақтнинг ўзида “Мумкин!” буйругига күра икки иштирокчини тортилиш машқини бажаришига рухсат берилади. Санашни ижро чиларнинг рўпараларида турган хисобчи-ҳакамлар баланд овоз билан олиб борадилар. Нотўгри бажарилган тортилиш “Ҳисобланмасин!” деган буйрук билан қайд этилади. Машқ тугаши билан натижা иштирокчи ва мусобақа қайдномасини ёзаётган котибга эшиттириб ўзлон қилинади.

Машғулот жараёнида буюмларсиз ва буюмлар билан умумий ривожлантирувчи машқлар: тортилишнинг ҳар хил усуслари (ётган, осилган, турган ҳолатда), баланд турникда, юқ билан шеригининг ёрдамида осилган ҳолатда тортилиш; максимал миқдорда, кўлда осилиб турган статик тавсифдаги машқлар; натижани хисоблаш учун тортилиш қўлланиллади. Мунтазам равишда тортилиш миқдорини аста-секинлик билан ошириб бориш учун уларни “эрталабки бадаи тарбия машқлари” мажмуи охирида бажариш мумкин.

29. Паст турникда тортилиш. Бу куч сифатларини ривожлантиришга ёрдам берувчи яна бир меъёрий машқ ҳисобланади. Паст турникда пастдан ушлаб (қўлнинг ички томони билан ушлаган ҳолда), тўғри қўлларга осилиб турган ҳолатда (оёқлар ерга теккан ҳолда) бажарилади. Қўлларда тортилиш ияқ (энгак) турникка текканга қадар бажарилади, 5 сониядан ортиқ тұхташга ҳамда тортилиш пайтида силкиниш харакатларига рухсат берилмайды (10,15 марта ва ҳоказо). Ушбу машқ асосан хотин-қизлар бажариши учун мўлжалланган.

30. Чалқанча ётган ҳолатда гавдани кўтариш. Бу жисмоний сифатларни ривожлантириши учун хизмат киладиган меъёрдир.

Машқ текис юзада орқаси билан (чалқанча) ётган ҳолатда бажарилади, оёқлар юзи шериги томонидан ушлаб турилади, қўллар бош ортидам бўлади.

Дастлабки ҳолат қабул қилингандан кейин қатнашчиларга “Мумкин!” деган буйрук берилади. Гавдани кўтариш натижаси печа марталиги билан қайд қилинади (20, 30 ва ҳоказо). Агар гавда тик ҳолатда кўтарилаётган бўлса машқлар бажарилган ҳисобланади.

Машғулот тўғри тутилган оёқларда бажарилади. Стулда, ўриндиқда, ерда ўтирган ҳолатда турли хил силкитиши ҳаракатларини қўллаган ҳолда умумривожлантирувчи машқлар, оёқларни силкитиши, оёқларни тизздан букиш билан бир вақтда тиззаларни кўкракка теккизиш, тўғри тутилган оёқларни юқори бурчак ҳолатигача кўтариш. Орқаси билан ётган ҳолатда галма-гал тўғри тутилган оёқларни кўтариш, қўлларнинг турли ҳолатида (қўллар белда, елкада, бошнинг орқасида) гавдани кўтариш, тиркаб кўйилган оёқлар ҳолатида (гимнастика ўринидиги, гимнастика девори, бошқа буюмлар ва шериги) гавдани юқоридаги каби кўтаришлар, меъёрларни тўлиқ бажариш.

31. Сузиш. Бу жисмоний чидамлилик ва бошқа сифаттарни ҳамда сув мұхитида ҳаракат күнікмаларини ривожлантиришга ёрдам берувчи меъёрdir.

Сузиш машғулотларини ташкил этиш, сузиш бүйича месъёрларни қабул қилиш алохыда дикқатни ва әхтиёткорликни талаб этади, машғулотлар ва мусобақаларнинг хавфсизлигини таъминловчи барча қоидаларга риоя қилиш зарур. Машғулотларни ва меъёрларни сув ҳавзасида ёки табиий (дарё, күл) сув ҳавзаларида хавфсизлик қоидаларига амал килган холда, маҳсус жиһозланған жойда қабул қилиш мүмкін. Машғулот сув ҳавзаларида масофа кирғок бүйлаб 90-120 см. чукурликка эга бўлган жойларда ўтиши керак.

Меъёрни топшириш суза оладиган қатнашчиларга рухсат этилади, суза олмайдиганлар учун машғулотлар ташкил этиб, сузишга ўргатилгандан кейингина уларни мусобақаларга қўйиш мүмкін.

Сузишни қабул қилиш учун старт ҳаками қатнашчиларига буйруқ бериб (чўзик хуштак билан) старт жойига чақиради.

Ҳакамнинг “стартга” деган буйруғи билан қатнашчилар “сузувчининг старти” холатини эгаллайдилар ва старт пистолетидан ўқ узиш билан сузишни бошлайдилар. Сузишда иштирок этувчилар сони бассейндаги йўлаклар сонига боғлиқ бўлади. Натижа 0,1 сония аниқлик билан ҳар бир йўлак бошида турган секундомерли ҳакамлар томонидан ўлчанади.

32. Сайрлар, саёҳатлар, экскурсиялар табиат қўйнида паст-баланд жойларда (истироҳат боғлари, ўрмонлар, далалар, тоглар, дарё кирғоклари, кўллар ва бошқаларда) ўтказилади. Бигил ҳаракатлар ва тўхташлар билан 2,5 км. масофага югурилади.

Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини
белгиловчи “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тестларини ва
мусобақаларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомга
3-илова

**Мусобақа иштирокчиларининг натижаларини
қайд этиш жадвали намунаси**

20 ___ йил “___”

(Мусобақа ўтказилган ташкилотнинг номи)

эркаклар, аёллар
(кераклиги белгилансин)

Т/р	Мусобақа иштирокчиларининг фамилияси, исми, отасининг исми	Ёши	Мусобақа ўтказилган спорт турлари												Мусобақа натижаси
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
1.															
2.															
3.															
...															

Изоҳ: Мазкур жадвалнинг 1 – 12-устунларида мусобақа ўтказиладиган спорт турлари ва ҳар бир иштирокчининг спорт турлари
бўйича натижалари кўрсатилади.

Мазкур жадвалнинг “Мусобақа натижаси” номли устунида иштирокчининг мусобақада эришган натижаси кўрсатилади.

Ишчи гурӯх раҳбари _____
(Ф.И.Ш.) (имзо)

Мусобақа ҳаками _____
(Ф.И.Ш.) (имзо)

**Сузиш бўйича иштирокчиларининг натижаларини
қайд этиш жадвали намунаси**

20 ____ йил “ ”

(Мусобака ўтиказилган ташкилот, синф ёки гурӯҳнинг номи)

Ёни _____

Эркаклар, аёллар
(көраклиси белгилансан)

Масофа 50 м.

Т/Р	Ф.И.Ш.	Натижа			Бажарилганлиги ҳақида маълумот

Ишчи гурӯҳ раҳбари _____
(Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

Мусобака ҳаками _____
(Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

**“Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тест меъёрлари бўйича қабул қилинган натижаларининг
ХИСОБОТИ**

Муассаса, синф, груп ва бошкаларнинг номи _____

20 ____ йил “___”

Синфлар, груплар ва бошкалар	Ўқувчилар, талабалар ва бошкалар сони	Меъёрларни топтиришмалар сони	60 м.	100 м. югуриш	1000 м. югуриш	2000 ёки 3000 м.га югуриш	Жойидан туриб узунликка сакраш	Тортлиш	Гавдани кўтариш	Сузиш	6 дакика мобайнида юриш-югуриш	Улоктириш (тенис тўпи) Граната 700 гр. Граната 500 гр.
Боғча, мактаб	Э											
	А											
Лицей, колледж	Э											
	А											
18-23 ёшдагилар	Э											
	А											
23 ва ундан катта ёшдаги аҳоли	Э											
	А											

Ишчи груп раҳбари _____
(Ф.И.Ш.) (имзо)

Мусобақа жаками _____
(Ф.И.Ш.) (имзо)

Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи “Алномиш” ва “Барчиной” махсус тестларини ва мусобақаларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомга
4-илова

**Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи
“Алномиш” ва “Барчиной” махсус тестлари мусобақаларини ўтказиш**

СХЕМАСИ

Боскичлар	Иштирокчилар	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Бажариш учун масъуллар
1-боскич		<p>Барча таълим муассасалари ўкувчилари ва ўқитувчи ҳамда ишчи-ходимлар ўртасида мусобақалар ўтказиш, синф ва курс жамоаларини шакллантириш ҳамда синф ва курс жамоалари ўртасида таълим муассасаси миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш, таълим муассасаси терма жамоасини шакллантириш</p> <p>Ташкилотлар ва маҳаллаларда аҳолининг барча ёш гурухлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш</p>	октябрь-ноябрь	Таълим муассасалари раҳбарлари
2-боскич	Аҳолининг турили ёш гурухлари (6-70 ёш ва ундан катта)	Таълим муассасалари, ташкилотлар ва маҳалла фуқаролар йигини терма жамоалари ўртасида туман (шаҳар) миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш, туман (шаҳар) аҳолисининг барча ёш гурухлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш	октябрь-ноябрь	Ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йигини раислари
3-боскич		Туман (шаҳар)лар терма жамоалари ўртасида мусобақаларнинг Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш, аҳолининг барча ёш гурухлари бўйича Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят терма жамоаларини шакллантириш	март-апрель	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари
4-боскич		Барча ёш гурухлари бўйича Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят терма жамоалари ўртасида Республика миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш ва ғолиб, совриндор жамоаларни аниклаш	май-июнь	Коракалпогистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари бошликлари, вилоят ҳокимликлари
			август-сентябрь	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “29” январ даги
65 - сон қарорига
2-илова

**“Алпомиш” ва “Барчиной” кўкрак нишонлари
 билан тақдирлаш тўғрисида
 НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Алпомиш” ва “Барчиной” кўкрак нишонлари (кейинги ўринларда кўкрак нишони деб аталади) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан мамлакатимизнинг аҳоли ўртасида сонлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш, аҳолининг барча катламларини жисмоний тарбия ва оммавий спортига жалб этишда муносаб ҳисса кўшган ҳамда “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тестлари бўйича мусобақаларда юқори натижаларни кўлга кирилган шахслар тақдирланадилар.

3. Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

4. Мусобақанинг маҳалла, туман (шахар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси босқичларининг ғолиб ва совриндорлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) томонидан “Алпомиш” ва “Барчиной” кўкрак нишонлари билан тақдирланади.

**2-боб. “Алпомиш” ва “Барчиной” кўкрак нишонлари билан
тақдирлаш учун хужжатларни тақдим этиш тартиби**

5. Ушбу Низомнинг 1-бандига мувофиқ:

I даражали кўкрак нишони билан “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тест ва мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаган шахслар;

II даражали кўкрак нишони билан “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тест ва мусобақаларида иккинчи ўринни эгаллаган шахслар;

III даражали кўкрак нишони билан “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тест ва мусобақаларида учинчи ўринни эгаллаган шахслар тақдирланадилар.

6. “Алпомиш” кўкрак нишони билан эркаклар ҳамда “Барчиной” кўкрак нишони билан аёллар тақдирланадилар.

7. I даражали кўкрак нишони юқори даражали ҳисобланади. II ёки III даражали кўкрак нишони билан тақдирланганлар кейинчалик унинг юқори даражалари билан боскичма-боскич мукофотланиши мумкин. Бир ёш тоифасида бир хил даражадаги кўкрак нишони тақроран берилмайди.

8. “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тестлари бўйича мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини I, II ва III даражали кўкрак нишонлари билан тақдирлаш бўйича киритилган талабномалар асосида қонун хужжатларига мувофиқ Вазирлик томонидан амалга оширилади.

З-боб. Якунловчи қоидалар

9. Вазирлик ушбу Низомга мувофик кўкрак нишонига тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатлари холис кўриб чиқилиши учун бевосита жавобгардир.

10. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Махкамасининг
2019 йил “29” январдаги
65 - сон 3-ицова

“Алпомиш” кўқрак нишони тавсифи

“Алпомиш” кўқрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис котишимасидан тайёрланади.

“Алпомиш” кўқрак нишонининг олд томони чегара қисмидан 5 миллиметр оралиқда эни 1,5 миллиметр қалинликда ички доира шаклида бўлган сарик рангли ҳошия билан ўралган. Ҳошиянинг ичидаги, кўқрак нишони олд юкори қисмидаги босма харфлар билан “ALPOMISH” сўзи лотин алифбосида (катта харфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 16-кегль) жигарранг ва сарик ранглар аралашмасидан ҳосил бўлган рангда ёзилган.

“ALPOMISH” сўзи бошланиши ва якунида 4 миллиметр катталиқда ер юзида тинчлик учун хизмат килувчи билим ва маънавиятни янада бойитишни ифодаловчи саккиз киррали юлдуз рамзи туширилган. Кўқрак нишонининг олд наст қисмидаги 8 миллиметр катталиқда саккиз киррали юлдуз рамзи туширилган.

Пастки саккиз киррали юлдуз ичидаги рим рақамида узунлиги 6 миллиметр, қалинлиги 2 миллиметрлик “I”, “II” ёки “III” рақами тасвири кора ҳошиядаги тушурилган. Кўқрак нишонининг олд наст қисмидаги жойлашган юлдузнинг ўнг ва чап томони юкорида жойлашган саккиз киррали юлдузгача тинчлик рамзини ифода этувчи лавр барги тасвиридан чамбар жигарранг ва сарик ранглар аралашмасидан ҳосил бўлган рангда туширилган.

Кўқрак нишонининг маркази тинчлик, софлик рамзи бўлган яшил ранг билан қопланган. Кўқрак нишонининг марказида “Алпомиш” достонининг бош қаҳрамони – мардлик, жасурлик, эпчиллик, чаққонлик, шиҷоат ва ватанпарварлик, комиллик ва эзгулик тимсоли бўлган Алпомишнинг Бойчибор отида қўлида камон ушлаб турган тасвири ифодаланган. Алпомишнинг юзи оқ, соқоли кора, қўлларидағи ҳимоя кийими ва оёғидаги этиги ҳамда отининг эгари кизғиши, совути ва камони оқ ва кора рангдан ҳосил бўлган оч рангда тасвирланган.

Алпомишнинг Бойчибор лақабли отининг думи, ёли, тумшугининг олд қисми ҳамда түёклари оқ ва кора рангдан ҳосил бўлган оч рангда тасвирланган. Отнинг ўзи оқ ранда, оёгининг ўнг орка оёғи қорамтири рангда тасвирланган.

Кўқрак нишонининг қалинлиги 2.2 миллиметр.

Кўқрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Нишонининг орқа томонига кийимга тақиб қўйиш учун тўғнағич мослама ўрнатилган.

“Алпомиш” кўқрак нишони

I даражали кўқрак
нишони



II даражали кўқрак
нишони



III даражали кўқрак
нишони



“Алпомиш” кўкрак нишони гувоҳномасининг тавсифи

“Алпомиш” кўкрак нишони гувоҳномаси 100 x 70 миллиметр ўлчамдаги тўрт бурчак шаклида бўлиб, 350 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони мовий рангда бўлиб, унинг чегара қисмидан 5 миллиметр оралиқда эни 3 миллиметр қалинликда ички тўрт бурчак шаклида бўлган тўқ кўк рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг ташқи томони юкори қисми ҳошиясидан 5 миллиметр пастда кирилл алифбосида катта ҳарфлар билан “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирилиги” деб ёзилган.

Гувоҳноманинг устки қисми марказда “Алпомиш” кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамда ва рангда нишоннинг тасвири акс эттирилган. Тасвирининг пастки қисмida катта ҳарфлар билан “ГУВОҲНОМА” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг иккинчи томони оқ рангда бўлиб, 5 миллиметр оралиқда эни 3 миллиметр қалинликда ички тўрт бурчак шаклида бўлган тўқ кўк рангли ҳошия билан ўралган. Гувоҳноманинг юкори қисми чеккасидан 12 миллиметр пастда кирилл алифбосида катта ҳарфларда “Алпомиш” комплекси талабларини бажарганлиги учун (“Times new Roman Bolt” шрифти, 12-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўзлардан 15 миллиметр пастда тақдирланадиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиги 8 миллиметри учта чизик тортилган ва учинчи чизик охирига “миқёсидаги” сўзи (“Times new Roman Bolt” шрифти, 12-кегль), чизик остида (“Times new Roman Bolt” шрифти, курсив, 7,5-кегль) маҳалла, ташкилот, таълим муассасаси, туман (шахар), вилоят, республика сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда узунлиги 5 миллиметр бўлган битта чизик тортилган, чизикдан сўнг “даражали кўрак нишони билан тақдирланади.” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 12-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 15 миллиметр пастда узунлиги 80 миллиметри битта чизик тортилган, чизик ости чап томонига “(лавозими)”, ўртада “(имзо)” ва ўнг томонда “(муҳр ўрни)” курсивда (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Гувоҳноманинг иккинчи томони паст ҳошиядан 5 миллиметр юкори қисми чап томонидан “20 ____ йил “____” _____” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган. Ёзувлар ва чизиклар қора рангда акс эттирилган.

“Алпомиш” кўқрак нишони гувоҳномаси

**Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги**



ГУВОҲНОМА № _____

**“АЛПОМИШ”
КОМПЛЕКСИ ТАЛАБЛАРИНИ
БАЖАРГАНЛИГИ УЧУН**

(Ф.И.Ш.)

миқёсидаги

(мағалла, мағаммалароро, туман (шахар), вилоят, ташкилот, республика)

_____ даражали кўқрак нишони билан тақдирланади.

(хавозими)

(комзо)

(м.ў.)

20 ____ йил “ ____ ” _____

“Барчиной” кўқрак нишони гувоҳномасининг тавсифи

“Барчиной” кўқрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

“Барчиной” кўқрак нишонининг олд томони чегара қисмидан 5 миллиметр оралиқда эни 1,5 миллиметр қалинликда ички доира шаклида бўлган сарик рангли ҳошия билан ўралган. Ҳошияning ичиди, кўқрак нишони олд юқори қисмida босма ҳарфлар билан “BARCHINOY” сўзи лотин алифбосида (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 16-кегль) жигарранг ва сарик ранглар аралашмасидан ҳосил бўлган рангда ёзилган.

“BARCHINOY” сўзи бошланиши ва якунида 4 миллиметр катталиқда ер юзида тинчлик учун хизмат қилувчи билим ва маънавиятни янада бойитишни ифодаловчи саккиз қиррали юлдуз рамзи туширилган. Кўкрак нишонининг олд паст қисмида 8 миллиметр катталиқда саккиз қиррали юлдуз рамзи туширилган.

Пастки саккиз қиррали юлдуз ичидаги ракамида узунлиги 6 миллиметр, қалинлиги 2 миллиметрлик “I”, “II” ёки “III” рақами тасвири қора ҳошияда туширилган. Кўкрак нишонининг олд паст қисмида жойлашган юлдузниң ўнг ва чап томони юкорида жойлашга саккиз қиррали юлдузгача тинчлик рамзини ифода этувчи лавр барги тасвиридаги чамбар жигарранг ва сарик ранглар аралаптимасидан ҳосил бўлган рангда туширилган.

Кўкрак нишонининг маркази тинчлик, софлик рамзи бўлган яшил ранг билан қопланган. Кўкрак нишонининг марказида “Алпомиш” достонининг қаҳрамони – аёллар тимсолидаги мардлик, жасурлик, эпчиллик, чаққонлик, шиҷоат ва ватанпарварлик, комиллик ва эзгулик тимсоли бўлган Барчинойнинг отда ўтирган ҳолатда чап қўлида оқ рўмолча ушлаб турган тасвири ифодаланган. Барчинойнинг юзи, рўмоли ва кийими оқ, нимчasi кўкимтири, оёқ кийими, ички кийими ва отининг эгари қизгиш рангда тасвирланган. Барчиной отининг думи, ёли, тумшуғининг олд қисми ҳамда туёқлари оқ ва кора рангдан ҳосил бўлган оч рангда тасвирланган. Отнинг ўзи оқ рангда, оёғининг чап орқа оёғи қорамтири рангда тасвирланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2.2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Нишоннинг орқа томонига кийимга тақиб қўйиш учун тўғнағич мослама ўрнатилган.

“Барчиной” кўкрак нишони

I даражали кўкрак
нишони



II даражали кўкрак
нишони



III даражали кўкрак
нишони



“Барчиной” кўкрак нишони гувоҳномасининг тавсифи

“Барчиной” кўкрак нишони гувоҳномаси 100 x 70 миллиметр ўлчамдаги тўрт бурчак шаклида бўлиб, 350 г/кв.м. қалинликдаги оғсет қофоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташки томони кўк рангда бўлиб, унинг чегара қисмидан 5 миллиметр оралиқда эни 3 миллиметр қалинликда ички тўрт бурчак шаклида бўлган тўқ кўк рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг ташқи томони юқори кисми ҳошиясидан 5 миллиметр пастда кирилл алифбосида катта ҳарфлар билан “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” деб ёзилган.

Гувоҳноманинг устки кисми марказда “Барчиной” кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамда бир рангда нишоннинг тасвири акс эттирилган. Тасвирнинг пастки кисмida катта ҳарфлар билан “ГУВОҲНОМА” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг иккинчи томони оқ рангда бўлиб, 5 миллиметр оралиқда эни 3 миллиметр қалинликда ички тўрт бурчак шаклида бўлган тўқ кўк рангли ҳошия билан ўралган. Гувоҳноманинг юқори кисми чеккасидан 12 миллиметр пастда кирилл алифбосида катта ҳарфларда “Алпомиш” комплекси талабларини бажарганилиги учун” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 12-кегль) сўzlари ёзилган.

Сўzlардан 15 миллиметр пастда тақдирланадиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган ва учинчи чизик охирига “миқёсидаги” сўзи (“Times new Roman Bolt” шрифти, 12-кегль), чизик остида (“Times new Roman Bolt” шрифти, курсив, 7,5-кегль) маҳалла, ташкилот, таълим муассасаси, туман (шаҳар), вилоят, республика сўzlари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда узунлиги 5 миллиметр бўлган битта чизик тортилган, чизиқдан сўнг “даражали кўрак нишони билан тақдирланади.” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 12-кегль) сўzlари ёзилган.

Ундан 15 миллиметр пастда узунлиги 80 миллиметрли битта чизик тортилган, чизиқ ости чап томонига “(лавозими)”, ўртада “(имзо)” ва ўнг томонда “(муҳр ўрни)” курсивда (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10-кегль) сўzlари ёзилган.

Гувоҳноманинг иккинчи томони паст ҳошиядан 5 миллиметр юқори кисми чап томонидан “20 ____ йил “____” _____” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10-кегль) сўzlари ёзилган. Ёзувлар ва чизиқлар қора рангда акс эттирилган.

“Барчиной” кўкрак нишони гувоҳномаси



“БАРЧИНОЙ”
КОМПЛЕКСИ ТАЛАБЛАРИНИ
БАЖАРГАНЛИГИ УЧУН

(Ф.И.Ш.)

миңесидаги

(маңалла, маңаллалардо, түмән (шаҳар), вилоят, ташкылот, республика)

___ даражали күкрак нишони билан тақдирланади.

(лавозими)

(имзо)

(м.ж.)

20 ___ йил “___” _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “29” январдаи 65 -сон карорига
4-илова

**Ўзбекистонда спортнинг оммавийлигинин янада ошириш мақсадида миллий спорт турлари
ва халқ ўйинларини ривожлантириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
I. Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари бўйича бошқарув тизимини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчиликни ва норматив-хукукий базани янада такомиллаштириш				
1.	Ўзбекистоннинг миллий спорт тури мақомини белгилаш максадида Ўзбекистон миллий спорт турлари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш.	2019 йил март	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)
2.	Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари бўйича федерация, уюшма ва ассоциациялари фаолияти тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш, уларнинг асосий вазифалари ва фаолиятини ривожлантириш тартибини белгилаш.	2019 йил апрель	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)
II. Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича илмий-услубий қўлланмалар билан таъминлаш ва тиббий хизматлар кўрсатиш даражасини юксалтириш				
3.	Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича ўқув дастурлари, шу жумладан илмий ва услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва нашр этиш. Тренерлар, спортчилар ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш, ўсиб келаётган авлоднинг миллий спорт турларига ва халқ ўйинларига нисбатан қизиқишларини ошириш.	2019-2020 йиллар	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маблаглари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)
4.	Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича Республика ва халқаро миқёсда илмий-амалий семинарлар, давра сухбатлари, конференциялар ўтказиш.	Режа асосида, доимий	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маблаглари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)
5.	Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари бўйича спортчи, тренер ва спорт ҳакамларини тиббий диспансер назоратидан ўтказиш ва уларнинг мунтазам равишда ҳар 6 ойда камида бир	Режа асосида, доимий	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маблаглари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғликни сақлаш вазирлиги, миллий спорт турлари

T/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажарниш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	марта чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтишларини таъминлаш.			бўйича федерациялари (уюшмалари)
III. Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш				
6.	<p>Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари кафедрасини ташкил этиш, бунда:</p> <p>жисмоний тарбия ва спорт соҳасида Ўзбекистоннинг маданий қадриятларини халкаро майдонда тақдим этувчи муносаб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш;</p> <p>жисмоний тарбия ва спорт соҳасида Ўзбекистоннинг маданий меросини сақлаб қолиш ва келажакда янада ривожлантириш.</p> <p>Шунингдек, болалар-ўсмиirlар спорт мактаби, ихтисослаштирилган болалар-ўсмиirlар спорт мактаби, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган мактаб интернатлари бўлимларни ташкил этиш.</p>	2019-2020 ўкув йилидан бошлаб	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	Ўзбекистон миллий спорт турлари бўйича кадрлар захираси (тренерлар, спорт хакамлари ва бошқалар)ни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.	2019 йил март ойидан бошлаб	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)
IV. Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича оммавий-жисмоний тадбирлар ташкил этиш				
8.	<p>Мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейларнинг спорт инноотларидан, спорт залларидан асосий дарс машгулотларидан бўш вақтларида самарали фойдаланиш.</p> <p>Мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий харакатларини шакллантириш ва ривожлантириш (юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш ва х.к.), умумий ривожлантирувчи ва айrim сафланиш машқларини шакллантириш.</p> <p>Спорт таълим муассасаларида спорт турлари бўйича</p>	2019 йил март ойидан бошлаб	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажарыш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	ўтказиладиган ўқув машғулотлари жараёнида харакатли халқ ўйинларини кенг жорий этиш. Хар бир таълим муассасасида ўқувчиларнинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари билан шугууланишлари учун спорт тўгараклари ва секцияларини ташкил этиш.			
9.	Ўзбекистон миллий спорт турлари бўйича худудий босқичлардан иборат бўлган Республика чемпионатлари, кубоклари, турнирлари ва фестивалларини ўтказиш, ғолиб ва совриндорларни аниқлаш ҳамда уларни муносиб тақдирлаш.	Режа асосида, доимий	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон “Ёшлик” ЖТСЖ, Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)
10.	Вазирлик ва идоралар, ташкилотлар ҳамда маҳаллалар (аёллар учун алоҳида дастур асосида) ўртасида Ўзбекистон миллий спорт турлари ва харакатли ўйинлари бўйича мусобакалар ташкил этиш ва уларни оммавий равишда юкори савияда ўтказиш.	Хар йили апрель-май ойларида	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)
V. Оммавий ахборот воситаларида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини кенг ёритиш орқали ахоли ўртасида соглом турмуш тарзини тарғиб этиш ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш				
11.	Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича барча ташкилий тадбирларни ахборот сифатида ижтимоий тармоклар орқали жойлаштириш, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, ижтимоий рекламалар, мақолалар яратиш ва уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	2019 йилдан бошлаб доимий	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, миллий спорт турлари бўйича федерациялари

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиятлаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар (уюшмалари)
12.	Аҳолининг барча қатламлари ўртасида Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича энг фаол иштирокчиларига муносаб эътибор қартиш мақсадида “Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари таргиготчиси” номинациясини таъсис этиш.	2019 йилдан бошлаб	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)
13.	Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича оммабоп бадиий китоблар яратиш ва чоп этиш.	2019 йил апрель	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маблаглари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)
VI. Ўзбекистон миллий спорт турлари бўйича иқтидорларни аниқлаш ва миллий терма жамоалари захирасини шакллантириш				
14.	Аҳолининг барча қатламлари ўртасида Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича ўтказилган спорт мусобақалари, фестивалларида голиб ва совриндор бўлган ҳамда фаол ҳаракатга эга бўлган иқтидорларни танлаб олиш (селекция), уларни спорт мактабларининг малакали мураббийлари раҳбарлигига тарбияланишга жалб этиш.	2019 йилдан бошлаб	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон “Ёшлик” ЖТСЖ маблаглари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши
15.	Спорт таълим муассасалари ўртасида Ўзбекистон миллий спорт турлари бўйича республика спорт мусобақаларини ўтказиш орқали энг кучли спортчиларни аниқлаш ва уларни муносабирагбатлантириш чораларини кўриш.	2019 йилдан бошлаб доимий	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон “Ёшлик” ЖТСЖ, Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси маблаглари, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
VII. Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг халқаро майдондаги ривожини таъминлаш				
16.	Ўзбекистон халқи анъаналари ва маданиятини намоён этиш, миллий спорт турларини саклаш ва ривожлантириш, миллатлараро алокаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида халқаро спорт фестивалларида Ўзбекистон миллий спорт	Режа асосида, доимий	Ижрочилар маблаглари, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	турлари ва халқ ўйинлари бўйича мамлакатимиз вакилларининг иштирокини таъминлаш ва кўргазмали чиқишлиари намойиши орқали миллий спорт турларимизни дунё мамлакатларига танитиш.			
17.	Ўзбекистон миллий спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари, кубоклари, халқаро турнирлари ва фестивалларида миллий терма жамоаларимиз иштирокини таъминлаш, хорижий давлатларда миллий спорт турларимиз федерациялари ташкил этилишига эришиш.	2020-2024 йиллар давомида	Ижрочилар маблаглари, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, миллий спорт турлари бўйича федерациялари (уюшмалари)

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил «29» январдаги 65-сон карорига
5-илюва

**Спортнинг ўйин турларини ривожлантириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
I. Спортнинг ўйин турлари бўйича спортчиларни саралаш, тайёрлаш, спорт маҳоратини ошириш тизимини тақомиллаштириш				
1.	Мактабгача таълим муассасаларида спортнинг ўйин турлари элементларини қамраб олган ҳолда, харакатли ўйинлар дастурини ишлаб чиқиш.	2019 йил август	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Мактабгача таълим вазирлиги
2.	Хар бир туман (шаҳар) бўйича умумтаълим мактаблари ўкувчилари ўртасида спортнинг ўйин турларини кенг тарғиб килиш, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, улар ўртасида спортнинг ўйин турлари бўйича мусобакаларини тўрт босқичда (мактаб, туман, вилоят, республика) юқори савиядга, тизимли равишда узлуксиз ўтказиш орқали иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция) ишларини ташкил этиш.	2019-2020 йилларда	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблаглари, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирилиги
3.	Ёш спортчилар ўртасида йил давомида маҳорат дарсларини ва ўкув-машғулот йиғинларини ташкиллаштириш.	Календарь режа асосида	-	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
4.	<p>Республикамизнинг барча ҳудудларида айниқса, чекка қишлоқларда ёш иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, жумладан, Спортнинг ўйин турлари бўйича кизлар спортини ривожлантириш ва уларни белгиланган тартибда спортга жалб этиш:</p> <p>Спортнинг ўйин турлари бўйича “Аёллар спорти” фестивалини ўтказиш;</p> <p>I босқич – туман (шаҳар);</p> <p>II босқич – вилоят;</p> <p>III босқич – республика (финал);</p> <p>Спортнинг ўйин турлари бўйича ёш оиласалар ўртасида “Соғлом оила” спорт мусобақаларини ўтказиш:</p> <p>I-босқич: туман (шаҳар);</p> <p>II-босқич: вилоят;</p> <p>III-босқич: республика (финал).</p>	Календарь режа асосида	Календарь режада назарда тутилган маблағлар, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, Хотин-кизлар кўмитаси, Ёшлилар иттифоки, Касаба уюшмалари Федерацияси, спорт федерациялари (уюшмалари), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
5.	Жойлардаги спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш юзасидан дам олиш кунларида уюшмаган аҳолини спортнинг ўйин турлари билан шуғулланишлари учун спорт мажмуалари ва стадионларида шароитлар яратиш.	2019-2020 йилларда	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Касаба уюшмалари Федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6.	Таълим муассасаларининг спорт заллари ва майдонларида ўкув дарсларидан ташқари вактларда спортнинг ўйин турлари бўйича мамлакат терма жамоаси спортчилари, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож (ногирон) ва кам таъминланган хамда болалар уйида тарбиялананаётганлар учун ўкув машғулотлари ва мусобақаларни ўтказиш бўйича спорт заллари ва майдонларининг ижара тўловисиз бепул ажратилишини таъминлаш.	2019-2020 йилларда	-	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
II. Спортнинг ўйин турлари бўйича спортчиларни босқичма-босқич тайёргарлик тизимини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш				
7.	Жойларда спортнинг ўйин турларини ривожлантириш учун вилоят, шаҳар (туман) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасига ҳар бир спорт тури учун ҳар	2019 йилдан бошлаб ҳар йили	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,

Т/п	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	йили зарур маблаглар ажратиш.			Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
8.	<p>Ёш иқтидорли спортчиларни саралаш (селекция) ишларини ташкил этиш ва “оммавийликдан - профессионалликка” ўтиш тизимини яратиш.</p> <p>Спортнинг ўйин турлари бўйича спортчиларни босқичмабосқич тайёргарлик тизимини қуидаги тартибда амалга ошириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларидағи спорт тўгараклари; болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари (БЎСМ); спортнинг ўйин турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари (ИБЎСМ); ихтисослаштирилган Олимпия захиралари мактаб-интернатлари; спортнинг ўйин турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби (СЎРОСММ); юқорида белгиланган ҳар бир спорт муассасасида тарбияланган спортчилардан миллий терма жамоалар таркибига номзодлар етиштириб бериш. 	2019-2020 йилларда	Ижрочилар маблаглари, Календарь режада назарда тутилган маблаглар, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблаглари, хомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирилиги, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9.	Спортнинг ўйин турлари бўйича бошлангич тайёргарликдан профессионал дараражагача бўлган босқичлар учун ўқув-қўлланма дастурларини ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш.	2019 йилдан бошлаб	Ижрочилар маблаглари хисобидан, Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблаглари, хомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
III. Спортнинг ўйин турлари бўйича федерациялар ва бошқа спорт ташкилотларининг моддий-техника базасини яхшилаш ва уларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш				
10.	Спортнинг ўйин турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва талабномага мувофиқ уларни спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлаш.	Доимий	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблаглари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажарыш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
11.	Мактабгача таълим муассасаларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебеллар, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш меъёрлари асосида мактабгача таълим муассасаларини спорт инвентарлари билаш жиҳозлаш.	2019-2020 йилларда	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
IV. Мамлакат терма жамоаларини тиббий-биологик, фармакологик ва спорт-психологик жиҳатдан таъминлашни ташкиллаштириш ва чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказишни имтиёзли ташкил этиш				
12.	Спортнинг ўйин турлари бўйича терма жамоа таркибидаги спортчиларни Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Спорт ўйинлари бўйича федерациялар буюртманомасига мувофиқ бир йилда икки маротаба Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, зарур ҳолларда фармакологик жиҳатдан таъминлаш ва реабилитация қилган ҳолда даволаш ишларини ташкил этиш.	2018-2020 йилларда	Ижрочилар маблағлари хисобидан, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги, Республика спорт тиббиёти илмий-амалий Маркази
13.	Спортнинг ўйин турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида шугууланаётган миллий терма жамоа аъзоларини тиббий кузатув остига олиш ҳамда уларни тиббий-биологик, фармакологик воситалар билан йилига икки маротаба таъминлаш.	2018-2020 йилларда	Ижрочилар маблағлари хисобидан, ҳомийлик хайриялари	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги
V. Оммавий ахборот воситаларида спортни кенг ёритиш орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ишлари самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш				
14.	Спорт мусобақаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини, жумладан спорт тадбирларини, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига асосан спортнинг ўйин турлари бўйича мамлакатимизда ўтказиладиган миллий ва халқаро мусобақалардан тўғридан-тўғри ва ёзиб олинган трансляцияларни уюштириш, спорт турлари ривожланишини ифодаловчи роликларни эфирга узатиб бориш.	Доимий	Ижрочилар маблағлари хисобидан, ҳомийлик хайриялари	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари
15.	Спортнинг ўйин турларини кенг тарғиб этиш мақсадида республика ва маҳаллий телерадиоканаллар, босма	Доимий	Ижрочилар маблағлари хисобидан, ҳомийлик	Ўзбекистон миллий телерадиокомпания,

T/p	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	ва интернет нашрлари орқали туркум кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш ва ҳамда мақолалар чоп этиш.		хайриялари	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари
16.	Спортнинг ўйин турлари бўйича совриндор спортчилар тўғрисида кўрсатувлар ва қисқа метражли хужжатли фильмлар тайёрлаш ва аҳолига ҳавола этиш.	2018-2020 йилларда	Ижрочилар маблаглари хисобидан, ҳомийлик хайриялари	“Ўзбеккино” миллий агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари

